## Байрам шарафига

Мамлакатнинг минерал-хом ашё базасининг мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан геологларнинг куч-ғайратларига боғлиқдир. Тармоқ меҳнаткашлари қаҳратон Шимолий Тундрадан то Туркманистоннинг жазирама қумликларигача бўлган кенг майдонларда иш олиб борадилар. Улар КПСС XXVII съезди қарорларини бажара бориб, фан-техника тараққиёти ютуқлари асосида геология-разведка ишларини жадаллаштиришга, уларнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга интилмоқдалар. 3 апрель куни Москвада Геологлар кунига бағишланиб ўтказилган тантанали йиғилишда ана шу ҳақда гапирилди.

СССР геология министри Е. А. Козловский доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. Г. Ведерников, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири И. П. Ястребов, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, олимлар, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари президиумдан жой олганлар.

Йиғилиш қатнашчилари шу йил ва беш йиллик топшириқларини бажариш учун ўзимизнинг бутун куч ва билимимизни сарфлаймиз, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб оламиз, деб ишонтирдилар.

(ТАСС мухбири).

## • Бугун—Геологлар куни

# СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

**Ҳар бир касбнинг ўз гашти бор. Гидрогеологлар эса сув ташвишида. Улар — ичимлик ва деҳқончилик учун зарур бўлган обиҳаёт манбаларини излаб топиш билан машғул бўлган муборак касб эгалари.**

**Мамлакатимиздаги барча геологлар каби «Ўзбекгидрогеология» бирлашмасининг Фарғона экспедицияси коллективи ҳам ўз анъанавий байрамлари — Геологлар кунини муносиб кутиб олмоқдалар.**

Айниқса сўнгги йилларда сув танқислиги қаттиқ сезиляпти, сувга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Эҳтиёж кўпроқ ер ости сувлари ҳисобига қондирилмоқда. Экспедиция гидрогеологлари Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларини ичимлик ҳамда техник сув билан таъминлашда алоҳида жасорат кўрсатаётирлар.

Экспедиция зарур замонавий техника воситалари билан таъминланган. Ишчилар меҳнати учун қулайликлар яратилган. Уларнинг маданий-маиший шароитлари ҳақида ҳам алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда.

Гидрогеологлар кейинги йилларда илғор иш усулларига кенг амал қила бошладилар. Асосий коллективлар — пармаловчилар ва тажриба-фильтрловчилар бригадалари пудрат усулида ишлашга ўтказилди. Ҳаёт синовидан ўтган бу усул коллективлар фаолиятидан мустаҳкам ўрин олди. Эътиборли жиҳати шуки, пудрат туфайли бригадалар сонини қисқартириш мумкин бўлди. Аммо иш ҳажми камайгани йўқ. Шунингдек, асосий фонддан 85 минг сўм маблағ иқтисод қилиб қолишга муваффақ бўлинди. Гидрогеологик изланишларнинг сифати ҳам яхшиланди.

Айниқса, 1986 йилдан бошлаб меҳнат натижаларида катта ижобий силжиш сезила бошладики, бунга қайта қуриш ва жадаллаштириш тадбирлари туфайли эришилмоқда.

— Мусобақанинг ошкоралиги, аҳиллик ва интизом ютуқларимиз омили бўлмоқда, — деди пармаловчилар бригадаси бошлиғи, мастер Эгамберди Мамажонов, — Иш вақтидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладиган бўлиб қолдик. Натижада бажариладиган иш ҳажми ортиб боряпти. Қоришма тайёрлаш жараёнларини бирмунча жадаллаштирдик. Шу тадбир туфайли энди қоришма кутиб, бекор туриб қолишлар кескин қисқарди.

Пармаловчилар яшайдиган кўчма вагонлар шинам, озода. У зарур нарсалар билан тўла таъминланган. «Гидрогеолог» посёлкасида коттеж типида 20 оилага мўлжалланган 10 та, ҳар бири 8 квартирали 3 та уй қурилди.

Экспедиция ёрдамчи хўжалиги ҳам ривожланиб бормоқда. Мазкур хўжаликда 50 бош қорамол ва бошқа жониворлар бор. Ёрдамчи хўжаликни янада кенгайтириш зарурати туғилди. Аммо бунга эришишнинг иложи бўлмаяпти. Чунки, озуқа базасини яратиш муаммоси бизга қатор қийинчиликлар туғдираяпти.

Қайта қуриш, жадаллаштириш экспедиция иқтисодий-техника кўрсаткичларини яхшилаб бориш имконини бераётир. Экспедиция бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог, геология-минералогия фанлари кандидати Эркин Иномов мана шундай деди: —

— Коллективимиз аъзолари КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, хўжалик юритишнинг янги усулида ишлашга — харажатларни ўзи қоплаш ва ўзини маблағ билан таъминлаш системасига ўтишга тайёргарлик кўра бошлади. Геофизиклар, топографлар ва қурувчилар бригадаларини пудрат усулига ўтказиш ишлари батамом тугалланди.

Камчиликлар ҳам йўқ эмас. Илғор коллективлар сафи кенгайиб боряпти. Бироқ ҳамон қолоқликка бутунлай барҳам берилмаган. Масалан, 7-бригада қолоқликдан чиқолмаяпти. Бу ерда ишларнинг бориши устидан назорат ўрнатилмаган. Меҳнатни ташкил этишда бошбошдоқлик мавжуд. Шу сабабли бригада бошлиғи сайлови ўтказилди. Янги бригадирни эса пармаловчиларнинг ўзлари сайладилар.

Насослар, манометр, плафон, вентилятор етишмайди. Инсон омили фаолиятини активлаштириш чоралари кўрилмоқда. Кейинги ойларда дала отрядларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш яхшиланиб бормоқда. Ёзда асқотадиган кичик сиғимли совутгичлар тахт қилиб қўйилиши зарур.

Илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун ҳали кўп иш қилинишини ҳаёт тақозо этяпти. Гидрогеология ва инженерлик геологияси пармалаш компрессорини такомиллаштириш масаласига аҳамият бериши керак. Бусиз ишда жадаллашишга эришиб бўлмайди. Ўзбек, рус, украин, белорус, арман, қозоқ, тожик, корейс, татар, грек, хуллас, 15 дан ортиқ миллат вакиллари бир тан-бир жон бўлиб ишлаётган коллектив Улуғ Октябрь 70 йиллигини муносиб нишонлаш ҳаракатида, экспедиция коллективи юбилейни беш йиллик икки йили планини бажариш билан кутиб олиш учун мусобақани авж олдирмоқда.

Байрам айёмида Р. Ғозиев, А. Жумабоев, М. Попелич, II ва III даража Меҳнат Шуҳрати орденли Н. Угланов, Халқлар дўстлиги ордени кавалери Э. Мамажонов, Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь Революцияси орденлари нишондори А. Рухленко, III даража Меҳнат Шуҳрати орденли А. Давлатов, П. Солижонов, З. Ҳакимова каби новаторлар беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун кураш ташаббускори бўлдилар.

Бригада ва участкаларда КПСС Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасига жавобан меҳнат ғайрати ортиб бормоқда. Гидрогеологлар 1987 йил биринчи квартали марраларини барвақт эгалладилар. Улар янги сув манбаларини топиш, уларни халқ хўжалигига хизмат қилдириш, барча ишлар самарадорлигини ошириш учун имкониятлардан самарали фойдаланиш, янги резервларни ҳаракатга келтириш тадбирларини кўраётирлар.

**М. КОМИЛХЎЖАЕВА,**
**Ўзбекистон ССР Геология министрлиги бўлимининг инженери.**



**Суратда: Тошкент гидрогеология экспедициясининг илғор пармаловчиси Марат Рашидов. У Геологлар куни арафасида фойдаланишга топширилган 1461 метрлик қудуқнинг барвақт ишга туширилишига муносиб ҳисса қўшди.**

А. КАРАВАЕВ фотоси.

# ТАЪМИ ШИРИН, ТАҚДИРИ-ЧИ?

### АСАЛАРИЧИЛИК МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

## БАҲС БУРЧАГИ

Асалнинг шифобахшлигини бугунги кунда тан олмайдиган одам бўлмаса керак. Ахир, бундан минг йил илгариёқ улуғ бобокалонларимиздан бири Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарида «Асал аъзоларимиздаги суюқлик ўтказувчи томирларни кенгайтириш ва тозалаш хусусиятига эга. У ички аъзолардаги фасодни ҳайдаб чиқарадиган нарса. Асал кўз хиралашишига ҳам дори. Томоқ оғриқ (ангина)ни ҳам даволайди», деб ёзган. Олимларнинг тасдиқлашича, асал таркибида фойдали моддаларнинг 70 дан ортиқ тури бор. Халқимиз асални сариёққа аралаштириб «қувватижон», қаймоққа аралаштириб «бол қаймоқ» каби таомлар тайёрлаб келади.

Бу — асалнинг шифобахш хусусияти. Асалари ёки боларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти қандай, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Бунга Ўзбек Совет Энциклопедиясида қисқа ва лўнда шундай жавоб берилган: «Асалари асал тўплаши, саноат учун мум беришдан ташқари, экинларнинг яхши чангланишига, натижада ҳосилдорлик ошишига сабаб бўлади. Масалан, асаларилар экинни чанглаштириши натижасида пахта ҳосили 27,9 процентгача, резавор экинлар ва мева ҳосили 50-60 процент ортади, беда уруғи уч баравар кўпаяди. Шунингдек, мева, уруғ ва толанинг пишиб етилиши тезлашади, сифати яхшиланади, кўсакнинг тўкилиши камаяди».

Демак, асалариларни парвариш қилиш — ундан шифобахш маҳсулот олишдан ташқари, қишлоқ хўжалик экинлари, биринчи навбатда, пахта ҳосилдорлигини ошириш имкониятини беради. Шуни ҳисобга олиб, кейинги йилларда республикамизда шу жумладан, Андижон областида ихтисослаштирилган асаларичилик совхозлари ташкил қилинди. Хўжалик ҳисобида иш юритган бу совхозлар биринчи йиллардаёқ мавсумни фойда билан якунладилар. Рентабеллик йил сайин ортиб борди.

Биргина Андижон областидаги тўртта ихтисослашган совхоз ўтган беш йилликда халқимиз дастурхонига 965 тонна асал етказиб берди. 1981 йилда бу совхозлар асаларичиликдан 155 минг сўм фойда келтирган бўлса, беш йиллик охирги йилига келиб, 372 минг сўм фойда олдилар. Ўтган йили эса Андижон асаларичилик бирлашмаси хўжаликлари давлатга 294 тонна шифобахш асал етказиб бердилар.

Бугина эмас, Андижон пахтачилик институтининг пахтачилик кафедраси олимлари олиб бораётган кўп йиллик тадқиқотлардан маълум бўлдики, асаларилларнинг нормал учиши ва ғўза гулларининг чангланиши учун шароит яратилган майдонларда ғўза тупларида гулларнинг кўсакларга айланиш жараёни 12-15 процентга ортиб, пахта ҳосилдорлиги ҳар гектар ҳисобига 3-4 центнерга кўпайган, шу ерлардан олинган пахта чигитининг эса яшовчанлик қобилияти ортган. Шу тажрибалар асосида пахтачилик кафедраси ғўзаларни чанглатишда асалариллардан фойдаланиш юзасидан махсус тавсиянома нашр этди.

Демак, асаларичиликни бундан буён ҳам кенг ривожлантириш кераклиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Афсуски, ҳар тарафлама фойдалилиги ҳаммага аён бўлиб турган бир шароитда қишлоқ хўжалигининг бу муҳим соҳасига ҳамон етарли эътибор берилмаётганлиги сезилиб қоляпти.

Республикамизда агросаноат комплекси тузилгандан кейин асаларичилик бирлашмаси анча вақт аросатда қолди. Бирлашма сақланиб қоладими ё агросаноат комплексига қўшилиб кетадими? Ниҳоят, республика асаларичилик бирлашмаси тугатиладиган, асаларичилик совхозлари РАПОларга қўшиладиган бўлди.

Бироқ орадан ойлар ўтди ҳамки, совхозлардан РАПО вакиллари хабар олмадилар. Хабар олганда ҳам бирор бир нафли маслаҳат берадиган мутахассисга эга бўлмаган РАПО нима ҳам қила олсин?! Область ижроия комитети . республикадаги мутасадди идораларга «область асаларичилик бирлашмаси хўжалик ҳисобидаги ташкилот бўлгани сабабли уни тугатмаслик керак», деган таклиф йўллади. У ёқдан эса таклиф маъқуллангани ҳақида жавоб келди.

Шундай қилиб, 1986 йил якунланаётган бир пайтда область бирлашмасини тугатиш ҳақида яна хат келди. Орқасидан комиссия ташриф буюрди.

— Штатларни қисқартирамиз.

— Қайси штатларни?

— Бош директор ва бошқа етакчи мутахассислар штатини!

Область асаларичилик бирлашмасидагилар ҳайрон бўлишди. Ахир, «бирлашма»нинг номи бўлгани билан биронта штат йўқ-ку?! Бу вазифаларни бош совхоз ҳисобида «Ленинск» асаларичилик хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислари жамоатчилик асосида бажариб келадилар-ку? Наҳотки, агросаноат комитетидаги ўртоқлар бундан бехабар бўлсалар?! Шундай қилиб, бу масала яна очиқ ҳолича қолаверди.

Область агросаноат комитетиноилож асаларичилик совхозларига раҳбарликни ўз зиммасига оладиган бўлди. Бироқ комитетда бу соҳа билан бевосита шуғулланадиган бирорта мутахассис штати ҳозирча белгиланганИ йўқ. Шу сабабли асаларичиликни жадал ривожлантириш режалари ўз ҳолича қолиб кетмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, бир гектар майдондаги экинни чанглатиш учун 3—4 асалари оиласи талаб қилинади. Ҳозир область миқёсида жамоат ва шахсий сектор ҳисобида 30 минг асалари уяси бор. Бунча асалари оиласи билан 10 минг гектар пахта майдонини чанглатиш мумкин, холос. Бу — жуда оз. Областда ҳеч бўлмаганда асалари оиласини 300—400 мингтага етказиш вазифаси турибди.

Шундай экан, келажакда ҳамма районларда ҳеч бўлмаганда биттадан асаларичилик совхози ташкил этиш керак. Шу мақсадда область асаларичилик бирлашмаси ўн иккинчи беш йилликда Бўз, Жалолқудуқ, Марҳамат районларида янги совхозлар тузиш ҳақида таклиф киритди. Шунингдек, областда асаларичиликни ўстириш мақсадида, 68 пахтачилик колхоз ва совхозларида ҳар бири 100 асалари оиласидан иборат биттадан ферма ташкил этиш юзасидан фикр билдирилди. «Ленинск» асаларичилик совхозида хўжаликлар, ҳаваскор асаларичиларни таъминлаш учун асалари ускуналари тайёрлайдиган цехлар очиш учун конкрет таклифлар қўйилди.

Ҳар томонлама асосланган бу таклифномани область ижроия комитети маъқуллади ва шу асосда Ўзбекистон ССР Министрлар Советига мурожаат қилиб, областда тузилган 4 та совхознинг фаолиятини қисқача таҳлил этиб берди. Йирик асаларичилик совхозларини ташкил этишнинг дастлабки тажрибалари ўзини тамомила оқлагани баён қилинди. Ўн иккинчи беш йилликда яна учта йириклаштирилган хўжалик ташкил этишни, уларнинг ҳар бирига 40 гектардан ер ажратишни сўради.

Тўғри, асаларичилик ҳар жиҳатдан фойдали экан, уни кўпайтиришимиз керак. Бироқ бу соҳада тўсиқлар ҳам мавжуд. Шулардан бири — ғўза парвариши, айниқса экиннинг гуллаш даврида ҳашаротларга қарши заҳарли дорилар сепиш оқибатида асалариларнинг қирилиб кетишидир. Бундан 5-10 йиллар аввал областда самолётларда кўплаб дори сепилиб, асаларилар камайиб кетган эди. Кейинги пайтларда бу ҳол бирмунча озайди. Олимларимиз ғўза зараркунандаларига қарши курашни ғўзалар гуллашгача бўлган даврда ўтказиш, ғўза гулга кирганда эса биологик усулда — айниқса, трихограмма, габробракон, «олтинкўз» каби бошқа фойдали ҳашаротларни қўйиш билан курашишни таклиф қилмоқдалар. Буни қўллаб-қувватлаш керак. Аммо айрим хўжалик раҳбарлари борки, ҳозирча фойда-зарарнинг фарқига бормай иш тутмоқдалар. Қиш ва баҳор ойларида нене машаққатлар билан лабораторияларда кўпайтирилган трихограмма ва габробраконларни пахтазорга қўйиб, энди наф кўрилаётган бир пайтда самолёт ё «ОВХ» аппаратларини ҳам ишлатадилар-да, ҳамма уринишларни барбод қиладилар. Ҳашаротлар қаторида асаларилар ҳам қирилиб кетади. Эҳтимол, дорилашни табақалаштириш керакдир.

Областда асаларичиликни фақат ихтисослаштирилган совхозлардагина эмас, пахтачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик хўжаликларида ҳам кўпайтириш мумкин. Айни пайтда шахсий хўжаликларда ҳам кўплаб асалари оилалари парвариш қилинмоқда. Бироқ унинг ускуналарини тайёрлаш қийин, топиш эса ундан оғир. Бу иш билан шуғулланадиган республикада биттагина ташкилот — «Мёд» бирлашмаси бор. У республика асаларичилигини тўла таъмин этолмайди.

Шунинг учун ҳар бир областда бирор асаларичилик совхози қошида бу соҳага керакли барча асбоб-ускуналарни тайёрлаб берадиган ташкилот ёки цех қурилиши лозим.

Яна бир мулоҳаза: асаларичиликка эътиборни кучайтириш учун уни район, область ҳисоб-китобларига киритиш керак. Ҳозиргача расмий органларда қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқ ва турлари юзасидан ҳисобот сўралади-ю (масалан, гўшт, сут, тухум, жун, пилла, дон ва ҳоказолар, ҳатто қуритилган қоқи-туршак ҳам) шифобахш асал эса ҳеч қаерда тилга олинмайди.

Асал кундалик ҳаётимизда дастурхонимиз безаги бўлиб турар экан, унинг қадр-қиммати тўғри баҳоланиши керак. Унинг таъми ширин бўлганидек, тақдири ҳам шунга ярашгулик бўлсин, деймиз.

**Рустам РАҲМОНОВ,**
**Анорбой ҚУРОНБОЕВ.**

### АТЕИЗМ ҲУЖУМКОР БЎЛСИН

# ДАЪВАТ

Бир вақтлар курраи заминимизни аллақандай жонзот шохида кўтариб туради, у толиқиб, ерни бир шохидан иккинчисига олганида зилзила бўлади, деб уқтирарди диний ақидалар. Фан-техника тараққий этган сари Ер ва Коинот сирларидан воқиф бўлган инсоният бундай фикрларнинг нотўғри эканини исботлади. Кишилар онгида йиллаб сақланиб келган диний иллат, сарқитлардан уларни халос этишда илмий асосланган фикрлар жамланган мажмуалар, рисолаларнинг қадр-қиммати, аҳамияти алоҳида. Шу маънода Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитети, Китобсеварлар кўнгилли жамияти томонидан уюштирилган атеистик мавзудаги китоб кўргазмаси диққатга сазовордир.

Кўргазмага 90 дан ортиқ китоблар, ўттизга яқин плакатлар қўйилган. Булар орасида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг дин ҳақидаги, коммунистик ахлоқ тўғрисидаги китоблари алоҳида ўрин тутади. «Ўзбекистон», «Медицина» ва «Меҳнат» нашриётлари томонидан ҳамкорликда рус ва ўзбек тилларида чоп этилган «Табиат, жамият, инсон» сериясидаги китоблар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

«Коммунистик ахлоқ масалалари», «Атеист кутубхонаси», «Марксча-ленинча философияни ўрганувчиларга ёрдам» сериясидаги брошюра ва китобларда атеистик тарбия масалаларининг турли томонлари акс этган. Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси томонидан тайёрланган «Ислом» справочник-тўплами эса кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

**У. ФАЙЗИЕВА.**

# ДУНЁ ОВОЗИ

## ТЭТЧЕРНИНГ СССРГА ВИЗИТИ ЮЗАСИДАН ПАРЛАМЕНТДА МУНОЗАРАЛАР

ЛОНДОН, 3 апрель. **ТАСС мухбири Александр Естигнеев хабар қилади:** Пайшанба куни Британия парламентининг ҳар иккала палатасида Бош министр Маргарет Тэтчернинг Совет Иттифоқига қилган расмий визити якунлари тўғрисида Жамоалар палатасида берган баёноти юзасидан мунозаралар бўлиб ўтди. Парламент аъзолари шу сафарнинг натижаларига баҳо бериб, ўз нутқларида унинг ижобий характерини қайд этиб ўтдилар. Бироқ баъзи депутатларнинг фикрича, Британия Бош министри Москвадаги музокараларда бир қанча энг муҳим масалалар, биринчи навбатда қурол-яроғлар устидан контрол қилиш проблемалари хусусида салбий позицияда турди.

М. Тэтчернинг шу визитини Бош министрнинг Совет Иттифоқи ҳақидаги ва унинг халқи ҳаёти тўғрисидаги «билимларини кенгайтирган» визит, деб табриклаш керак, деди Лейбористлар партиясининг раҳбари Нил Киннок. Шу билан бирга, деди лейбористлар раҳбари, СССР ва АҚШ раҳбарларининг пировард натижада ядро қуролларини тугатишга эришиш муддаоси ҳақидаги баёнотларини ҳисобга олганда шундай саволни бермасдан илож йўқ: Бош министр «Ядро қуролидан холи дунё анча беқарор ва хатарлироқ бўлиб қолади», деган гапга ҳақиқатан ҳам қатъий ишонадими?

Лейбористлар партиясидан Жамоалар палатасининг аъзоси Майкл Фут М. Тэтчернинг ядро қуролига нисбатан позициясини, жумладан, унинг Европани ядро қуролларидан холи зонага айлантириш борасидаги куч-ғайратларда қатнашишдан воз кечаётганлигини қораламаслик мумкин эмас, деб таъкидлади. Лейборист депутатнинг сўзларига кўра, мазкур йўл ядровий қуролларни тарқатишгагина кўмаклашади, бу эса пировард натижада фалокатга олиб келиши мумкин.

Лордлар палатасида оппозициячилар бошлиғи Лорд Глэдуин М. Тэтчернинг визити Англия — Совет алоқаларини кенгайтириш ишида олға қўйилган қадам бўлади, деган фикрни билдирди.

## СОВЕТ ЭЛЧИХОНАСИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

ПАРИЖ, 3 апрель. (ТАСС). 2 апрель куни Франция томони СССРнинг Франциядаги элчихонасига совет ходимларидан уч кишининг гўё ўз статусига мос келмайдиган фаолият билан шуғулланганлиги учун уларни мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорини маълум қилди.

Шу муносабат билан СССРнинг Париждаги элчихонаси Франция томонига қатъий норозилик билдирди, унинг қарори эса ҳеч қандай асосга эга бўлмаган ва СССРга нисбатан ошкора нодўстона характерда, деб таърифланди.

Баёнотда сўнгра бундай дейилади: Франция томони Совет вакилларининг ғайриқонуний фаолият билан шуғулланганликларини кўрсатувчи ҳеч қандай далил-исботлар келтирмаганлиги эътиборни ўзига жалб этади, чунки бундай далил-исботлар бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Мазкур кампаниянинг бориши аввал бошданоқ Совет — Франция муносабатларига, халқларимиз ўртасидаги дўстликка раҳна солишга қаратилган сиёсий иғвогарлик сифатидаги уйдирма эканлигини кўрсатади.

Элчихона Совет — Франция алоқаларига, шу жумладан, келгусидаги икки томонлама муносабатларга бундай хатти-ҳаракат етказадиган оқибатлар учун бутун масъулият Франция томонига тушади, деб таъкидлади.

## ҚОЧОҚЛАР ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛМОҚДА

КОБУЛ, 3 апрель. (ТАСС). Кеча 400 дан ортиқ қочоқ жанг қилиб, Эрондан Афғонистонга ўтишга муваффақ бўлди. Улар чегарага яқинлашаётганларида Эрон жандармлари ва афғон аксилинқилобчилари билан неча бор қуролли тўқнашувларга дуч келдилар. Собиқ муҳожирлар Ватанига келгач чегара ёқасидаги районнинг маъмурлари ва аҳолиси уларни меҳмондўстлик билан кутиб олди.

Миллий яраш сиёсатининг ғоялари сохта ташвиқот таъсирида ўзга юртга бориб қолган тобора кўпроқ афғонларни жалб қилмоқда. Бахтар агентлигининг хабар беришича, Кобул политехника институтининг студентлари ва муаллимлари қайтиб келаётган ватандошларга ёрдам фондига 130 минг афғонийдан кўп пул ўтказдилар.

## ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

### ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ СИЁСИЙ МУЛОҚОТ

**Англия матбуоти Бош министр М. Тэтчернинг Совет Иттифоқига визити арафасидаёқ уни тарихий визит, деб атаган эди.** Бундай баҳоларга қўшилиш ёки қўшилмаслик мумкин, аммо шу нарса равшанки, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Британия ҳукумати бошлиғи билан Москвада ўтказган музокаралари ғоят муҳим ва зарур музокаралар бўлди. Бу музокаралар ҳарбий хавф-хатарни қай тариқа камайтириш ва биринчи навбатда, ракета-ядро аслаҳахоналари қисқартирилишига қандай қилиб эришиш мумкинлиги тўғрисидаги ҳозирги замоннинг асосий масаласини ҳал этиш йўлларини муҳокама қилиш имконини берди.

Ҳар иккала томоннинг шу хусусда билдирган фикр-мулоҳазалари бўлиб ўтган фикрлашув натижасида Европада ўртача олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги масала юзасидан ҳамжиҳатлик ва позицияларнинг яқинлиги мавжудлигидан далолат беради. **Американинг «Бостон глоб» газетаси** шу муносабат билан қуйидагиларни таъкидлади: «Совет ташаббуси «Евроракеталар»га оид шартнома тузиш қулай имкониятини берадики, бу шартнома келгусида олға томон силжиш учун музёрар кема ролини ўйнаган бўлур эди». Химиявий қуролни тугатиш тўғрисидаги музокараларни ниҳоясига етказишга, Европа қитъасида оддий қуроллар ва Қуролли Кучларни қисқартириш зарурлиги билан боғлиқ барча проблемаларни муҳокама қилишни давом эттиришга тайёрлик ҳам изҳор қилинди. Хабар қилинганидек, бир қанча Совет — Британия ҳужжатлари, шу жумладан, космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, ахборот, маданият, маориф ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш ҳақида битим имзоланди.

Шу билан бирга музокаралар чоғида турли масалалар юзасидан СССР билан Буюк Британия ўртасидаги мавжуд келишмовчиликлар ҳам намоён бўлди. **Лондонда чиқадиган «Таймс» газетаси** шу хусусда М. С. Горбачевнинг фикрларини шарҳлаб, ундаги танқиднинг катта қисми «ядровий тийилиб туриш»нинг бутун стратегиясини танқид қилишга бағишланганлигини таъкидлайди. **Англиянинг бошқа бир «Файнэншл таймс» газетаси** Совет раҳбари ва Британия Бош министри «қурол-яроғлар устидан контрол қилиш ва инсон ҳуқуқлари проблемаларига нисбатан ўзларининг бир-бирига зид ёндашувларини таъкидладилар. Бироқ Совет Иттифоқи билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатларни яхшилаш учун айни шундай қилдилар», деб ёзди. Жаҳондаги турли мамлакатлар матбуоти обзорчиларининг эътироф этишидан шундай хулосага келиш мумкинки, М. Тэтчерга ўз нуқтаи назарини омма орасида баён этиб бериш ва совет кишилари билан мулоқотда бўлиш учун кенг имконият яратиб берилди.

Москвадаги учрашувлар тўғрисида билдирилаётган фикр-мулоҳазалар оқимидан **Япониянинг «Асахи» газетаси** шарҳини алоҳида ажратиб кўрсатишни истардик. Газета шарҳида бўлиб ўтган музокараларнинг моҳияти ва аҳамияти тўла даражада ифодалаб берилган. «Бу музокаралар, — деб таъкидлади газета, — юксак даражадаги сиёсий мулоқот бўлди. Мулоқот давомида Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларни яхшилаш имкониятлари кўпроқ пайдо бўлмоқда».

### «САВДО-СОТИҚ УРУШИ» САДОЛАРИ

Март ойининг сўнгги ҳафтаси охирларида Вашингтондан «савдо-сотиқ уруши» садолари эшитилди. **Ўзининг содиқ иттифоқчиси, бироқ асосий рақиби — Япониянинг хатти-ҳаракатидан ғазабланган АҚШ маъмурияти мамлакатга келтирилаётган Япония электрон саноати буюмларига нисбатан юз процентли солиқ жорий этди.**

«Бу АҚШда компьютер микросхемалар жуда арзон нархларда сотилаётганлигига жавобан жорий этилган иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда энг кенг кўламдаги жазо чоралари жаҳон экономикасини ларзага келтирди», **деб таъкидлади «Нью-Йорк таймс» газетаси.** Жазо чоралари жорий этилганидан кейинги биринчи кун етакчи капиталистик давлатларнинг валюта биржалари учун ғоят оғир кун бўлди. Токио биржаларида долларнинг қиймати мисли кўрилмаган даражада (1 доллар 144,70 иенага тенг) пасайиб кетди. **Американинг Си-Би-Эс телекомпанияси** Токиодаги вазиятни жуда катта шов-шув, деб таърифлаб қуйидагиларни таъкидлади: «Доллар қиймати қанча пасайса, иена қиймати шунча юқори бўлади ва чет элларда Япония товарлари шунча қимматлашади. Япония товарлари кам сотилиб, фойда қисқаради. Шунинг учун ҳам биржаларда акциялар қиймати жуда пасайиб кетди. Акция эгалари Япония тарихида беқиёс даражада зарар кўрдилар.

Япония билан янги савдо урушининг истиқболи Нью-Йоркдаги фонд биржасида Доу-Жонс индексининг кескин пасайишига сабаб бўлди. «Уолл-стрит» савдо-сотиқ соҳасидаги янги тўсиқлар истеъмол нархларининг ошишига олиб келиши мумкинлигини, бу эса пулнинг қадрсизланишига ва учет ставкалари оширилишига, ҳозирги пайтда шусиз ҳам суст бўлган иқтисодий ўсиш суръатларида таназзулга олиб келиши мумкинлигидан огоҳлантиради, — **деб уқтиради шу муносабат билан Си-Би-Эс телекомпанияси.**

Биржалардаги шов-шув Лондонни ҳам четлаб ўта олмади. «Атлантиканинг иккала томонидаги молиявий бозорларда шафқатсиз ва жиддий зарар етказиш хавфини туғдираётган савдо-сотиқ уруши бошланишидан хавотирлик сабабли бошбошдоқлик ҳукм сурмоқда», **деб ёзади «Таймс» газетаси. «Морган гренфелл» банки вакили шундай деди:** «Биз «савдо-сотиқ уруши»нинг дастлабки садоларини ҳис этдик. Аммо бу садолар Сараеводаги ўқ узишга айланиб кетиши мумкин, деган ҳавотирлик мавжуд». (Бунда биринчи жаҳон уруши бошланиши учун баҳона бўлган воқеалар назарда тутилади).

Англия молия ходими каби кескин фикр юритилмаганда ҳам империалистик мамлакатлар ўртасида вужудга келаётган вазият шунчаки жўн вазият эмас.

Япония бош министри Я. Накасонэ аҳволни тузатишга интилиб, Вашингтонга ҳукмрон Либерал-демократик партиянинг нуфузли арбоби С. Абэни юборишга қарор қилди. Бош министр собиқ ташқи ишлар министрининг тажрибасига ва унинг Вашингтондаги мавқеига таяниб, АҚШ билан савдо-сотиқда вужудга келган навбатдаги савдо-иқтисодий можарони бартараф этиш йўлларини қидириб топишга умид боғламоқда. Накасонэнинг мазкур мамлакатга қиладиган визитига ҳам пухта тайёргарлик кўрилмоқда. **Бироқ бундай сиёсий воситалар ҳозирги можарони пасайтиришга қодир бўлсада, ҳозирги замон империализмининг учта асосий маркази ўртасидаги зиддиятлар кескинлашаётганлигининг бош сабабини бартараф эта олмайди.**

**Виталий ЧУКСЕЕВ,**
**Аскольд БИРЮКОВ.**
**(ТАСС).**

